

## ЭЛЕКТР ЭНЕРГИЯСИНИ БУГУНГИ КУНДАГИ ҲОЛАТИ ВА КЎРСАТКИЧЛАРИ.

**Аннотация:** Жаҳонда аҳоли ва иқтисодиёт тармоқларининг электр энергияси таъминотиغا эҳтиёжини тўлиқ ва узлуксиз қондириш, қайта тикланувчи энергия манбаларини ишлаб чиқаришни ошириш ва унинг таъминоти ҳисобини юритишни такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Жаҳон энергетика агентлиги маълумотларига кўра, «2021 йилда жаҳонда қайта тикланадиган электр энергияси ишлаб чиқариш ҳажми янги рекордни қайд этиб, жами яратилган электр энергиянинг 6 фоизини ташкил қилиб, деярли 295 ГВтга етди».

**Калит сўзлар.** Жаҳонда, истеъмолчилар, электр энергияси, талаб ва таклиф, субъектлари, бухгалтерия ҳисоби, долзарблиги ва меъёрий-ҳуқуқий асослари.

**Аннотация:** В мире особое внимание уделяется полному и непрерывному удовлетворению потребности в электроснабжении населения и отраслей экономики, увеличению производства возобновляемых источников энергии и совершенствованию учета ее поставок. По данным Мирового энергетического агентства, «в 2021 году объем производства электроэнергии из возобновляемых источников в мире установил новый рекорд, составив 6% от общего объема производства электроэнергии и достигнув почти 295 ГВт».

**Ключевые слова:** В мире потребители, электроэнергия, спрос и предложение, субъекты, учет, актуальность и нормативная база.

**Annotatiton:** In the world, special attention is being paid to the complete and continuous satisfaction of the need for electricity supply of the population and economic sectors, to increase the production of renewable energy sources and to improve the accounting of its supply. According to the World Energy Agency, "in 2021, the volume of renewable electricity production in the world set a new record, accounting for 6% of the total electricity generation and reaching almost 295 GW."

**Key words:** In the world, consumers, electricity, supply and demand, entities, accounting, relevance and regulatory framework.

**Кириш:** Электр энергияси таъминоти субъектларига катта ҳажмдаги инвестицияларни жалб қилиш ва улар молиявий фаолиятини асосли баҳолашни такомиллаштириш, электр энергия таъминоти субъектларида бухгалтерия ҳисобини самарали йўлга қўйиш орқали уларнинг молиявий ҳолатини баҳолаш шаффоқлигини оширишни тақозо этмоқда.

Жаҳонда истеъмолчиларга электр энергиясини узлуксиз етказиб беришни таъминлаш мақсадида электр энергияси таъминоти корхоналарида уларнинг молиявий барқарорлигини таъминлашга оид изланишларга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ушбу изланишларда электр энергияси таъминоти корхоналарнинг ҳисоб сиёсатини ишлаб чиқиш, активларни таснифлаш, уларни тан олиш, баҳолаш, ҳисобини ташкил этиш ва юритиш белгилаб берилган. Электр энергиясига талаб ва таклифнинг ўзгарувчан бўлиб қолаётгани, электр энергиясини товар сифатида катта ҳажмда сақлаб туриш имкониятининг йўқлиги каби таъминот корхоналарида фаолиятнинг ўзига хос хусусиятларини инобатга олиб, мажбуриятлар, хусусий капитал, даромад ва харажатлар ҳисобини ташкил қилиш, молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтаётган энергетика соҳасидаги хўжалик субъектларида ушбу стандартларни қўллаш каби йўналишларда илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда.

Ўзбекистонда электр энергияси таъминоти корхоналарини трансформация қилиш ҳамда уларга инвестицияларни жалб этишни кенгайтириш, аҳолининг жон бошига ишлаб чиқарилган электр энергиясини узлуксиз ошириб бориш масалаларига устувор йўналиш сифатида қаралмоқда. «2030 йилга қадар электр энергетика тармоғида, шу жумладан тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб этган ҳолда ишлаб чиқариш қувватларини ривожлантириш ва йирик инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш белгиланган».<sup>1</sup> Мазкур вазифалар ижросини таъминлаш янги электр энергия ишлаб чиқариш қувватларини қуриш ва мавжудларини модернизация қилиш, эскирган асосий воситаларни янгилаш, электр энергияси саноатига бозор механизмларини кенг жорий этиш, электр энергияси таъминоти корхоналарида молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари самарали жорий қилиш орқали уларнинг инвестицион жозибадорлигини ошириш зарур. Ушбу вазифаларни амалга оширишда илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқиш долзарб масалалардан биридир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 18 июндаги ПФ-6010-сон «Табиий газ ва электр энергиясини сотиш механизмини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги, 2017 йил 29 майдаги ПФ-5059-сон «Электр энергияси ва табиий газ етказиб бериш ҳамда истеъмол қилиш соҳасида тўлов интизомини янада мустаҳкамлаш, шунингдек, ижро иши юритиш тизимини тубдан такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида»ги фармонлари, 2019 йил 27 мартдаги ПҚ-4249-

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 мартдаги ПҚ-4249-сон «Ўзбекистон Республикасида электр энергетика тармоғини янада ривожлантириш ва ислох қилиш стратегияси тўғрисида»ги қарори. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 28.03.2019 й., 07/19/4249/2840-сон; 08.07.2021 й., 06/21/6258/0651-сон

сон «Ўзбекистон Республикасида электр энергетика тармоғини янада ривожлантириш ва ислоҳ қилиш стратегияси тўғрисида»ги 2017 йил 14 ноябрдаги ПҚ-3384-сон «Электр энергияси ва табиий газ назорати ва ҳисобининг автоматлаштирилган тизимини жадал жорий этиш чоратадбирлари тўғрисида»ги, 2017 йил 26 майдаги ПҚ-3012-сон “2017-2021 йилларда қайта тикланувчи энергетикани янада ривожлантириш, иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳада энергия самарадорлигини ошириш чоратадбирлари дастури тўғрисида»ги қарорлари, Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 26 декабрдаги ВМ-1050-сон «Электр тармоғи хўжалиги объектларини муҳофаза қилиш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарори ва 2020 йил 28 февралдаги ВМ-111-сон «Тадбиркорлик субъектларини электр тармоқларига улаш тартибини соддалаштириш ва бизнес муҳитини янада яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари шунингдек, мазкур соҳага тегишли бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Таҳлил ва натижалар:** Электр энергияси саноатининг Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётида тутган ўрни ва уни ривожлантириш зарурлигини асослаш; электр энергияси таъминоти корхоналарида бухгалтерия ҳисобинининг аҳамияти, долзарблиги ва меъёрий-ҳуқуқий асослари тадқиқ этиш; электр энергияси таъминоти корхоналарида бухгалтерия ҳисобига оид хорижий тажрибадан фойдаланиш истиқболларини таҳлил қилиш; электр энергияси таъминоти субъектларида бухгалтерия ҳисоби ва солиқ ҳисоби ҳисоб сиёсатини шакллантиришни такомиллаштириш;

электр энергияси таъминоти корхоналарининг активлари, хусусий капитали ва мажбуриятлари ҳисобини ташкил этишни такомиллаштириш;

электр энергияси таъминоти субъектларида бухгалтерия ҳисобини юритишда молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларини қўллаш йўналишларида таклифлар бериш;

электр энергияси таъминоти корхоналарида бухгалтерия ҳисобини такомиллаштириш.

Электр энергия таъминоти субъектларида молиявий ҳисоботлар ва айланма-қолдиқ қайднома маълумотларидан фойдаланиб, харажатлар хусусиятига кўра фойда ва зарарлар тўғрисидаги ҳисобот тузишнинг «Ишчи трансформация жадваллари» ишлаб чиқилган;

0120 – «Бино, иншоот ва ўтказувчи мосламалар» ни ҳисобга олувчи сёт таркибида электр энергияси таннархини ва бошқа товар ҳамда хизматлар

таннархини тўғри шакллантириш учун 0123 – «Узатиш симлари», 0124 – «Таянчлар» ва 0125 – «Изоляторлар» ишчи счётларини очиш таклиф этилган; 0130 – «Машина ва асбоб-ускуналар» ни ҳисобга олувчи счёт таркибида асосий воситаларнинг электр энергиясини узатишдаги иштироки ва хусусиятларидан келиб чиқиб, 0131 – «Кучлантирувчи трансформаторлар», 0132 – «Кучлантирувчи машина ва ускуналар» ва 0132 – «Ўлчов ва бошқарув мосламалари» ишчи счётларини очиш таклиф этилган; электр энергияси таъминоти субъектларида «франко-истеъмолчи» асосида таннархни электр узатишнинг турли тармоқлари бўйича ҳисоблаш тизими ишлаб чиқилган.

Соҳанинг хусусиятларидан келиб чиқиб, электр энергияси таъминоти корхоналарида молиявий ҳисоботнинг халқоро стандартлари асосида ҳисоб юритиш учун счётлар режаси амалиётга жорий этилган; асосий воситаларнинг тури ва жойлашган жойидан келиб чиқиб, ҳар бир объект (предмет)га ўн икки белгидан иборат инвентар рақами бериш усули таклифи амалиётда қўллаш учун қабул қилинган; электр энергияси ишлаб чиқарадиган тадбиркорлик субъектларидан харид қилинган электр энергияси учун қарздорликни 6011 – «Тадбиркорлик субъектларига электр энергия учун қарз» алоҳида ишчи счётида ҳисобга олиш таклифи амалиётга жорий этилган; халқоро стандарт талабларига кўра меҳнат таътиллари учун улар бошланмасидан аввал ходимларга меҳнат таътили учун резерв яратиш формуласи ишлаб чиқилган ва амалиётга жорий этиш учун қабул қилинган.

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 мартдаги ПҚ-4249-сон «Ўзбекистон Республикасида электр энергетика тармоғини янада ривожлантириш ва ислоҳ қилиш стратегияси тўғрисида»ги қарори. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони, 2017 йил 7 феврал, № ПФ-4947.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасининг 2017 йилги асосий макроиктисодий кўрсаткичлари ва давлат бюджети параметрлари тўғрисида»ги Қарори. 2016 йил 27 декабрь. № ПҚ-2699.